O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XORAZM VILOYATI

XIVA TUMANI HOKIMINING QARORI

2021-yil 23-04 909-son Xiva tumani

Хива туманидаги аҳоли пунктлари, кўчалар ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонунининг 20-моддаси ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Хива тумани ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи, туман йўллардан фойдаланиш УК ва туман ободонлаштириш бошкармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган тумандаги аҳоли пунктлари, кўчалар ва хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Хива тумани ҳокимининг ўринбосари (Д.Жуманиязов), туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси, туман ободонлаштириш бошқармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги йўлларни сақлаш, таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларини ташкил этиб борсин.

3. Мазкур қарор “Хива тонги” газетасида расман эълон қилинсин ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Жуманиязов зиммасига юклатилсин.

Хива тумани ҳокими PROTOKOL QISMI **О.Матякубов**